

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

ХОЛИҚОВ ЮНУС ОРТИҚОВИЧ

**ЁШЛАРДА БАҒРИКЕНГЛИК МАДАНИЯТИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АХЛОҚИЙ МАСАЛАЛАРИ**

09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси (этика)

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy
(PhD) on philosophical sciences**

Холиқов Юнус Ортиқович

Ёшларда бағрикенглик маданиятини шакллантиришнинг ахлоқий
масалалари..... 3

Холиқов Юнус Ортиқович

Нравственность в формировании культуры толерантности у молодежи 21

Kholikov Yunus Ortikovich

Moral issues of forming a culture of tolerance in youth..... 38

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 42

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

ХОЛИҚОВ ЮНУС ОРТИҚОВИЧ

**ЁШЛАРДА БАҒРИКЕНГЛИК МАДАНИЯТИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АХЛОҚИЙ МАСАЛАЛАРИ**

09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси (этика)

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Fal378 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич**
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Негматова Шаҳзода Шухратовна**
фалсафа фанлари доктори, профессор

Исроилов Бектош Эркинович
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Қарши давлат университети**

Диссертация химояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.:(0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____даги _____рақамли реестр баённомаси).

С.К.Каримов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Х.А.Джуракулов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
фалсафа доктори (PhD), фалсафа.ф.б.

С.А.Чориев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда турли миллат вакиллари бир мамлакатда тинч-тотув яшашлари, умуминсоний бағрикенглик тамойилларини ривожлантиришга интилишлари янги асрга хос хусусиятдир. Бироқ, маданиятнинг нотекис ривожланиш қонуниятига кўра айрим жамиятларда маданият омили етарлича намоён бўлмаётганлиги туфайли уларда мавжуд сиёсий ҳокимиятга қарши турли деструктив ҳаракатлар вужудга келиб, бу бошқа халқлар ва давлатларнинг барқарорлиги ҳамда тараққиётига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Мазкур ҳолат ёшлар маданиятининг реал ва потенциал имкониятларидан самарали фойдаланишга, уларнинг бағрикенглик маданиятини ривожлантириш билан боғлиқ эҳтиёжларни вужудга келтирмоқда.

Дунё илм-фанида ёшларнинг бағрикенглик маданиятини шакллантиришда ахлоқий кадриятлар уйғунлиги, унинг глобал хусусиятларини тадқиқ этиш бўйича илмий-назарий изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, инсоннинг маънавий камолоти ва бағрикенгликнинг уйғун жиҳатлари, бағрикенглик маданиятининг шаклланиш тенденциялари, бағрикенгликнинг умуминсоний кадрият сифатида ёшлар фаолиятида намоён бўлишига оид тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан аҳоли, айниқса ёшларни тарбиялашнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш, ёшларнинг бағрикенглик маданиятининг мезонлари, меъёрлари ва тамойилларини аниқлаш, бу муаммога ахлоқий тамойиллар билан тизимли ёндашув асосида илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш объектив зарурият бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда ёшларнинг ахлоқий бағрикенглик маданиятини инсонпарварлик, маърифатпарварлик, ҳалоллик тамойиллари билан камол топтиришга ва уларни миллий менталитетимиз негизида тарбиялаш жараёнига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, “Мамлакатимизда бағрикенглик маданиятини юксалтириш, миллатлар ва конфессиялараро ўзаро бир-бирини тушуниш ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни шу асосда тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланади ...”¹. Шу нуқтаи назардан, ёшларда бағрикенглик маданиятини ривожлантириш мезонларини, тамойилларини аниқлаш ҳамда уни юксалтириш тенденцияларининг фундаментал асосларини фалсафий жиҳатдан тадқиқ этиш ҳаётий зарурият бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106-сон фармонлари ва Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилнинг

¹ Мирзиёев Ш.М. “Ислоҳ ҳамжиҳатлиги: Ўзбекистон ва Озарбайжон мисолида” мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига. – Тошкент шаҳри. 2017 йил. 18 октябрь // Мирзиёев Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2 жилд. – Т.: Ўзбекистон”, 2018. – Б. 455.

14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги ЎРҚ-406-сон Қонуни ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бағрикенглик маданияти умуммаданиятнинг бир қисми бўлиб, ўзига хос хусусиятларга эга. Жамиятда бағрикенглик маданияти масалалари билан шуғулланувчи файласуфлар фуқаролик жамияти қуришдаги ўрнини тарихий жиҳатдан ёритиб беришга ҳаракат қилганлар. Хусусан, Арасту, Афлотун, Конфуцийлар давлат ва жамиятнинг мустақамлигини таъминлашда бағрикенглик маданияти зарурлигини таъкидлаганлар. Бу масала бўйича шуғулланган таниқли чет элик олимлар қаторида Д.Локк, Р.Мюллерсон, К.Поппер, Б.Спиноза, Д.Туриманлар толерантликни талқин қилишда либерал ёндашувни очган. “Бағрикенглик тўғрисида”ги рисоласида америкалик тадқиқотчи Д.Труман¹ ёзганидек, жамиятни таназзулдан, сақлаб қолиш ва барқарорликни сақлаб туриш бу фақат очиқ жамиятнинг мезони бўлиб бағрикенглик билан боғлиқлигини ёритиб берган.

И.Кантни “Абадий тинчликка” асарида бағрикенгликнинг шаклланишида тинчликнинг ўрни, инсоннинг маънавий камолоти ва бағрикенгликнинг уйғун жиҳатларини чуқур таҳлил қилган.

МДХ олимларидан бағрикенгликнинг шаклланиш масалалари билан Т.Бюргенталь, К.Добблер², А.Головастикова, С.Глушкова, Л.Грудцына Э.Лукашева, В.Нерсисянц, А.Сунгуров каби олимлар ҳам инсон ҳуқуқларига оид ўз асарларида бағрикенглик маданиятининг шаклланиш тенденциялари, зарурияти ва ҳуқуқий асосларининг баъзи жиҳатларини тадқиқ этишган. Шунингдек, Л.Н.Толстойнинг “Ватанпарварлик ёки тинчлик” асарини алоҳида қайд этиш ўринлидир. “Толерантлик” атамаси ҳақида тадқиқотчилардан Г.В.Безлюева, Г.М.Шеламова³ ва бошқалар унинг турлича мазмунга эга эканлигини кўрсатадилар.

Бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик масалаларини мустақиллик йилларида республикаимиз олимларидан Ф.Р.Абдурахмонов, А.Ҳасанов, Б.К.Иминов, Б.Р.Каримов, С.Каримов⁴ И.Каримов, Э.Каримова, Н.Маманазаров, Т.Махмудов, А.С.Очилдиев,

¹ Truman D.B. The Governmental Process. Political Interests and Public Opinion. N.Y., 1971. P. 14.

² Добблер К. Изучение международного права прав человека. – Т: ТГЮИ, 2004.

³ Безлюева Г.В, Шеламова Г.М. Толерантность: взгляд, поиск, решение / – М: 2003. – С. 58.

⁴ Каримов С. Толерантлик нима // Фан ва турмуш. 3-сон. 1997.

С.О.Отамуратов, В.Қўчқоров, З.Р.Қодирова¹, У.Саидов, Ж.Тўланов, Х.Х.Хоназаров, З.Хусниддинов, Х.Юнусова, Э.Ю.Юсуповалар ўрганишган. Ана шу тадқиқотлар ичида мавзуга бевосита яқин бўлган асарлар жумласига О.Ата-Мирзаев, Р.Муртазаевалар ҳамкорлигида чоп қилинган монография, Б.Р.Каримов, Э.Каримова, З.Р.Қодирова, А.Ж.Шарипов, В.А.Алимасов, Э.Г.Каримова, Ш.О.Мадаева ҳамкорлигида тайёрланган монография, А.С.Очилдиев, С.Отамуратов, Э.Юсупов У.Саидов, З.Хусниддинов, ва бошқаларнинг асарларини киритиш мумкин. Масалан, О.Ата-Мирзаев, В.Гентшке, Р.Муртазаевалар ҳамкорлигида эълон қилинган монографияда ХХ асрда Ўзбекистонда кўп миллатлилик шароитида толерантликнинг ўрни, унинг фуқаровий жамият қуришдаги аҳамияти тарихий жиҳатдан ёритиб берилган. Б.Р.Каримовнинг тадқиқотларида миллатнинг моҳияти, унинг суверенитети, миллат ва инсоният, миллий онг, миллий ғоя каби ўта муҳим масалаларни ёритиб беришга ҳаракат қилинган. Э.Каримованинг ўқув қўлланма сифатида эълон қилган китобида ўзбек халқи толерантлигининг умуминсоний моҳияти ва ижтимоий – этник ўзига хослиги каби масалалар ёритиб берилган. З.Р.Қодирова, А.Ж.Шарипов, В.А.Алимасов, Э.Г.Каримова, Ш.О.Мадаевалар ҳаммуаллифлигида эълон қилинган монографияда эса, толерантликнинг умуминсоний қадрият сифатида ёшлар фаоллигида намоён бўлиши жараёнлари, глобал толерантликнинг моҳияти, миллатлараро толерантлик муаммолари каби масалаларни ёритиб берганлар. А.С.Очилдиевнинг “Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар” номли монографиясида дунёнинг мафкуравий манзараси ва унинг шаклланишида этник омилнинг ўрни, кўп миллатлилик ва миллий сиёсат моделларининг ўзига хос шакллари борасида олиб борилаётган ишлар, бу жараёнда миллатлараро тотувлик ғояси устуворлиги ва диний бағрикенгликнинг аҳамияти ёрқин мисоллар асосида очиб берилган. С.Отамуратов ўз китобида миллий-маънавий тикланиш ва жаҳонда содир бўлаётган глобаллашув шароитида толерантликнинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиб ўтган. У.Саидов асосий эътиборни маданиятнинг Шарқ ва Ғарбни ўзаро яқинлаштиришдаги ўрнини бадиий асарлар воситасида асослаб берган. З.Хусниддинов ўзининг монографиясида Ўзбекистонда динлараро кечаётган бағрикенглик жараёнларини асослаб берган. Э.Юсупов бағрикенгликнинг шаклланишида маънавиятнинг ўрни, инсоннинг маънавий камолоти ва бағрикенгликнинг уйғун жиҳатларини чуқур фалсафий таҳлил қилган.

Тадқиқотчи Қ.П.Қабуловнинг “Миллий манфаатларни уйғунлаштиришда толерантлик” номли диссертациясида миллий манфаатларнинг толерантликдаги ижтимоий хусусиятлари, тадқиқ этилган бўлса, Ш.Б.Саманованинг “Экологик толерантликнинг ижтимоий-фалсафий асослари” мавзусидаги тадқиқот ишида экологик толерантликнинг фалсафий масалаларига эътибор қаратган.

¹ Қодирова.З. Р Ёшлар ижтимоий фаоллиги ва толерантлигини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари. -Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2006.

Аmmo, ушбу тадқиқотларда ёшларда бағрикенгликни шакллантиришнинг ахлоқий масалалари маълум даражада кўриб чиқилган. Бироқ, бағрикенглик маданиятининг ахлоқий қисмлари махсус таҳлил этилмаган. Айнан ушбу ҳолат мавзунинг илмий нуқтаи назардан долзарблигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат чет тиллар институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2020-2022 йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон ҳудудларидаги тарихий-маданий анъаналар ва уларнинг замонавий кўринишларини тарғиб этувчи платформа яратиш” мавзусидаги ПЗ-2020022811 рақамли амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ёшларда бағрикенглик маданиятини шакллантиришнинг ахлоқий масалаларига янгича ёндашув асосида унга таъсир кўрсатувчи омилларини аниқлаш ва уни юксалтириш юзасидан тақлиф-тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«Бағрикенглик маданияти» категориясининг фалсафий мазмуни ва моҳиятини асослаш;

ёшларда бағрикенглик маданиятининг асосий мезонларини аниқлаш ва тизимга келтириш;

ёшларда бағрикенглик маданиятини ривожлантиришда ахлоқий кадриятлар билан уйғунлиги ва ундан фойдаланиш имкониятларини таҳлил қилиш;

ёшлар томонидан бағрикенглик маданиятини юксалтиришнинг ўзига хос жиҳатларини социологик тадқиқот натижалари асосида ёритиш ва илмий ҳулосалар, тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини мамлакатимиз ёшларида ахлоқий бағрикенглик маданиятини ривожлантириш омиллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети ёшларда бағрикенглик маданиятини ривожлантириш ва юксалтириш тенденцияларини илмий асослаш билан белгиланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда индукция ва дедукция, тузилмавий-функционал, қиёсий таҳлил, анализ ва синтез, концептуал назарияларни қиёслаш, социометрик (сўров, анкета, суҳбат интервью), эксперимент каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ёшларда бағрикенглик маданиятини шакллантиришнинг ахлоқий асосларига таъсир кўрсатувчи миллий маданият ва миллий менталитетнинг социоструктуравий детерминантлари (ижтимоий муҳит, оила, маҳалла, жамият)нинг ўзгарувчанлиги назарий жиҳатдан асосланган;

ёшларда бағрикенглик маданиятининг шаклланишига таъсир қилувчи салбий (интолерантлик, оммавий маданият, ижтимоий тармоқлар, ақидапарастлик) ва ижобий (демократия, миллий кадриятлар, ахлоқий нормалар) омиллар бағрикенгликнинг барқарорлаштирувчи (ижтимоий

ривожланиш, ўзаро таъсир, инсонпарварлик) ҳамда беқарорлаштирувчи (зўравонлик, мурасасизлик, тажовуз) функциялари билан боғлиқлиги креативлик тамойили асосида аниқланган;

бағрикенглик маданиятининг ахлоқий характери мулоқотга асосланган бағрикенглик маданиятининг замонавий модели (диалог, ҳамкорлик, мураса) билан диалектик алоқадорликда ривожланиши қиёсий таҳлил воситасида далилланган;

глобаллашув жараёнида ижтимоий муносабатлар барқарорлашувига ва ёшларда бағрикенглик маданиятини юксалишига таъсир кўрсатувчи инсонпарварлик, адолат, ҳамкорлик сингари маънавий-ахлоқий кадриятларнинг ўзига хос хусусияти мантиқий жиҳатдан асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ёшларнинг бағрикенглик онгини ривожлантириш масаласига эътибор қаратиш лозимлиги асослаб берилган, шунингдек ушбу тушунчанинг миллий ўзига хос хусусиятлари нуқтаи назаридан ўзгариши ёритиб берилган ва ёш авлодда бағрикенглик маданиятининг шаклланиши масалалари ёритилган илмий адабиётлар тизимлаштирилган;

Ўзбекистонда бағрикенглик маданиятининг умуминсоний эҳтиёж эканлиги, мақсад ва манфаатлар билан боғлиқлиги, ривожланиш тенденцияларини сақлаб қолиш омили эканлиги назарий асосланган;

миллий ва умуминсоний кадриятлар тизимида бағрикенглик маданиятининг ривожланиш йўллари, ёшлар ахлоқий тафаккуридаги объектив ва субъектив омилларнинг фалсафий асослари аниқланган;

Ўзбекистон ёшларида бағрикенглик маданиятини ривожлантириш имкониятларидан фойдаланишга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Халқаро ва республика миқёсидаги илмий конференция материаллари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси тавсия этган ихтисослаштирилган журналларда чоп этилган мақолалар, ёшлар ўртасида ўтказилган сўровлар натижалари асосида илмий анжуман ва давра суҳбатларида берилган ахборот ва тавсиялар, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлиги тўғрисида тегишли ташкилотлардан олинган хулосалар билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унда илгари сурилган коцептуал ғоялар ва умумназарий хулосалар этика, маданиятшунослик, миллий ғоя, фалсафа, социология фанлари доирасида амалга ошириладиган тадқиқотлар ва методологик ёндашувларни такомиллаштириш жараёнида фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, ишлаб чиқилган тавсиялар ва таклифлар ёшлар муаммолари билан шуғулланувчи ташкилотлар томонидан халқимизнинг бағрикенглик маданияти, миллий ғоя, ахлоқий кадриятларини тарғибот қилишда, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Маънавият ва маърифат маркази ҳамда унинг вилоят бўлимлари маърифий

дастурларида, маҳаллалар, Самарқанд вилоят телерадиокомпанияси ижодий бирлашмалар ва ўқув-тарбия билан шуғулланувчи муассасалар фаолиятида фойдаланиладиган ўқув қўлланмалар ва дарсликларни тайёрлашда қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижасида Ўзбекистон ёшларида бағрикенглик маданиятининг ривожланиш жараёнларига оид ишлаб чиқилган илмий натижалар асосида:

ёшларда бағрикенглик маданияти шаклланишининг ахлоқий асослари назарий жиҳатдан асосланганлигига доир таклиф ва тавсияларидан “Миллий ғоя тарихи ва назарияси” номли дарсликнинг “Миллий ғояда миллий ва диний бағрикенглик тамойиллари” деб номланувчи боби ҳамда “Оммавий маданият”нинг миллий ғояга зидлиги, унинг олдини олиш шарт-шароитлари, омиллари” деб номланувчи бобларини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 25 февралдаги 89-03-823-сон маълумотномаси). Натижада, “Миллий ғоя тарихи ва назарияси” фани мазмунини такомиллаштириш ва ўқитиш сифатини оширишга хизмат қилган;

ёшларда бағрикенглик маданиятининг шаклланишига таъсир қилувчи салбий омиллар (оммавий маданият, ижтимоий тармоқлар, ақидапарастлик ва глобаллашувнинг салбий оқибатлари) ва ижобий омиллар (таълим тизими, миллий кадриятлар, ахлоқий нормалар) аниқланганлигига доир таклиф ва хулосаларидан Жиззах вилояти “Истиқбол” минтақавий тадқиқот марказининг “Жойларда ижтимоий муаммоларни ҳал этишда жамоатчилик назоратини кучайтириш” мавзусидаги 46-11/50 рақамли амалий грант лойиҳасининг “Ижтимоий, иқтисодий ва маънавий муҳит барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни тизимли таҳлил этиш мақсадида тадқиқотлар ўтказиш” деб номланган 11-бандида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Жиззах вилоят “Истиқбол” минтақавий тадқиқот марказининг 2020 йил 7 февралдаги 6-сон маълумотномаси). Натижада, ёшларнинг бағрикенглик маданиятини ривожлантиришда устувор аҳамият бериш керак бўлган вазифаларни аниқлаштириб олишга хизмат қилган;

ёшларда бағрикенглик маданиятининг ахлоқий характери очиб берилганлигига оид таклиф – тавсиялардан Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Самарқанд вилоят Кенгаши томонидан шаҳар ва туманларда 2020 йилда ўтказилган “Ватанни асраб-авайлаш” ва “Буюк аждодларимиз меросини ўрганиш” ойлиги деб номланган тадбирлар сценарийсини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Кенгашининг 2020 йил 21 февралдаги 14-13/735-сон маълумотномаси). Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, бағрикенгликка бўлган инновацион тафаккур ва ахлоқий онгни оширишга хизмат қилган;

ёшлар бағрикенглик маданиятининг ўзига хос спецификаси ва унинг шаклланишида глобаллашув жараёнларининг таъсири бўйича назарий-амалий таклиф ва тавсияларидан “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Самарқанд вилоят бошқармаси томонидан 2020 йилда ўтказилган “Маҳаллада тадбиркорлик

куни”, “Ёшлар ўртасидаги тарбиянинг муаммо ва ечимлари” деб номланган тадбирлар сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг 2020 йил 21 февралдаги 02-03/112-сон маълумотномаси). Бу эса, жамиятда ёшларда бағрикенглик, ундаги соғлом маънавий олам юксак ахлоқий маданиятни шакллантириш ва ривожлантиришдаги тақдир ва тавсиялари маҳаллалар фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 12 та илмий-амалий анжуманда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатида 7 та мақола (жумладан, 5 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 123 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ёшларда бағрикенглик маданиятини шаклланишининг назарий – методологик асослари**» деб номланган биринчи боби уч қисмдан иборат. Ушбу бобнинг «Бағрикенглик маданиятининг моҳияти ва унинг ахлоқ билан уйғунлиги» деб номланган биринчи параграфида «бағрикенглик», “диний бағрикенглик” ва «бағрикенглик маданияти» тушунчаларининг ахлоқий жиҳатлари таҳлили тадқиқ этилган. Бу тушунчалар тадқиқида турли дунёқарашлар, маданий урф-одатлар вакилларининг зиддиятсиз ва уйғун ҳаёт кечириш усуллари ва воситаларини излаш ва қўллаш мавзуси ҳар доим файласуфлар, маданиятшунослар, социологлар, диншунослар, психологлар, сиёсий, жамоат ва дин арбобларининг эътиборини тортиб келган. Бағрикенглик ана шундай эътиборли ва долзарб масала ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб бағрикенглик маданиятига – ҳар бир инсоннинг эркин яшаш муҳити, дунёқараши, одоби, удумлари, ҳиссиёти, уй-фикрлари, эътиқодлари, амалларига нисбатан сабрли бўлиш ва ҳурмат қилиш маданияти, деб таъриф бериш мумкин. Бағрикенглик маданияти кўп

миллатли жамият ҳаётида миллатлараро ва конфессиялараро бағрикенглик тамойилларининг фаол ривожланиши ва фаолият кўрсатишини англатади. Замонавий глобаллашув шароитида бағрикенглик маданияти кўп жиҳатдан модернизация жараёнларига боғлиқ ҳолда намоён бўлмоқда. Хусусан, 1995 йилда ЮНЕСКО Бош конференцияси томонидан қабул қилинган бағрикенглик принциплари декларациясида “Бағрикенглик – бу тинчликни таъминлашга имкон беради ва уруш маданиятидан тинчлик маданиятига олиб келади”¹, дейилган.

Бағрикенглик бу ақлли кишиларнинг имкониятидир, улар мулоқот ва фикрлар хилма-хиллиги орқали ҳақиқат йўлида олға силжишларга шубҳа қилмайди. Бундан ташқари, бағрикенгликнинг асоси – бу бошқа одамни худди у каби қабул қилишда, бошқа нуқтаи назарни ҳурмат қилишда, сиз улашмайдиган нарсада чекланишда, бошқа миллат ва дин вакилларининг урф-одатлари, қадриятлари ва маданиятини тушунишда ва қабул қилишда намоён бўлади. Шу билан бирга, бағрикенглик ҳар қандай қарашлар ва ҳаракатларга бефарқликни англатмайди. Балки, бағрикенгликка жуда содда муносабатлар борлигини ҳам кўриш мумкин. Жумладан, уни “жамиятдаги турфа маданиятлик, плюрализм, турли-туманлик ва хилма-хилликларнинг мавжудлигини тан олиш, қабул қилиш, тўғри тушуниш ва ҳурмат қилишга қаратилган ижобий муносабат”, “сабрлилик, қаноатлилик, тоқатлилик, бардамлилик, чидамлилик”², деган таърифлар ҳам мавжуд. Диссертант юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, *бағрикенглик маданияти бу – ҳар бир инсоннинг эркин яшаш муҳити, дунёқараши, одоби, удумлари, ҳиссиёти, уй-фикрлари, эътиқодлари, амалларига нисбатан сабрли бўлиши ва ҳурмат қилиши маданияти, деб таъриф бериши мумкин. Ахлоқий даражада бағрикенглик ички муносабат, бошқа одамларга, жамоаларга, миллатларга, давлатларга, маданиятларга ва динларга ҳурматни ихтиёрий равишда танлаш кўринишида намоён бўлади, бу жиҳат энг муҳими ташқи томондан ўрнатилмайди, лекин, уларнинг ҳар бири тажриба натижасида мустаҳкамланади. Ана шу тажриба ахлоқий нормаларга асосланади. Яъни, бағрикенглик хулқ-атвори шаклланади. Бағрикенглик хулқ-атвори воқеаларга, одамларга, маданиятларга нисбатан тутган муносабатимиз, ижобий ёки салбий ҳиссиётларимизни, ижобий ва салбий бўлиши мумкин бўлган муносабатларимиз ва ҳаракатларимиз асосида баҳоланади.*

Мазкур бобнинг «Ёшларда бағрикенглик маданиятининг миллий ва умуминсоний негизлари» деб номланган иккинчи параграфида ижтимоий тараққиётнинг турли даврларида бағрикенглик (толерантлик) жамият ва ижтимоий ҳаётга турлича таъсир қилиб келганлиги ва доимо цивилизацияга ўз ҳиссаларини қўшиб келганлиги тадқиқ этилган.

Жамиятда турли халқлар, миллатлар ва динларнинг хусусиятларига нисбатан толерантлик муносабатини Ўзбекистон мисолида кўриш мумкин. Мамлакатимизда турли тоифадаги одамлар, сиёсий кучлар ва партиялар

¹ “Bag’rikenglik tamoyillari deklaratsiyasi” 3-moddasining 1-bandi.

² Тинчлик ва бағрикенглик атамалари изоҳли луғати. –Т.: 2005. – 13-б.

ўртасидаги миллатлараро тотувлику, динлараро бағрикенглик, ижтимоий ҳамкорлик тамойиллари ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим омилларидан биридир. Ўзбекистонда 136 миллат ва элат, 16 та конфессияга мансуб дин вакиллари ҳамкорликда, баҳамжихат яшаб келаётгани эса динлараро толерантликнинг яққол намунасидир¹. Президентимиз Шавкат Мирзиёев миллий ва диний бағрикенглик ғоясини юксак маънавий қадрият сифатида эътироф этиб, “Бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, миллатлараро ва фуқаролараро ҳамжихатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни шу асосда, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг муҳим уствор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Буларнинг барчаси ҳаётда ўз исботини топди”², деб таъкидлайдилар.

Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий жиҳатдан барқарор, умуминсоний қадриятлар устувор бўлган, маънавий мерос ва диний қадриятларни тиклаб, инсон ҳуқуқларини устувор соҳа даражасига кўтара олган мамлакатдир. Бағрикенглик маданиятининг умумбашарий негизлари ва унинг асосини БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси ЮНЕСКО Бош Конференциясининг Париждаги йигирма саккизинчи сессиясида қабул қилинган “Бағрикенглик тамойиллари декларацияси” ташкил этади. Бағрикенглик, ёшлар ўзларининг табиатига кўра ташқи кўриниши, нутқи, хатти-ҳаракатлари, қадриятлари билан ажралиб туришини ва тинчликда яшашга ва индивидуаллигини сақлаб қолиш ҳуқуқига эга эканлигидан далолат беради, шу билан бирга бир кишининг қарашлари бошқаларга таъсир қилиши мумкин эмаслигини англатади.

Ушбу бобнинг учинчи параграфи «Ёшларда бағрикенглик маданиятини юксалтиришнинг асосий тамойиллари» деб номланади. Унда бағрикенгликнинг субъект ва бағрикенглик объекти ўртасидаги ўзаро таъсир шакли, субъект томондан объектнинг ижтимоий-маданий (ташқи белгилар, баёноتلар, хулқ-атвор хусусиятлари) фарқларини қабул қилишга тайёрлиги, ижтимоий субъект сифатида эса шахс, ижтимоий институт, жумладан, этник, ҳамжамият, конфессиявий ҳамжамият, ижтимоий гуруҳ даражасида қабул қилиши ўрганилган. Яъни, жамият учун бир субъектни эмас ижтимоий субъект даражасида бағрикенгликни қабул қилиш, ривожлантириш муҳим ҳисобланади.

Бағрикенглик икки даражада намоён бўлиши мумкин: мафкуравий, маънавий ва фаол, амалий. Бундай ҳолда, толерант онг ва хатти-ҳаракатлар уйғунлиги устуворлик касб этади. Бағрикенгликни ривожланиш тамойиллари ижтимоий институт – ижтимоий институт; ижтимоий институт – шахс; ижтимоий институт – гуруҳ тарзида ривожланиши белгиланган. Ундан ташқари, бағрикенглик маданияти жамият ҳаётининг барча соҳаларида ва шахс ҳаётида ўзини намоён қилиши мумкин. Бағрикенгликнинг барча

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси // Давлат илмий наш, 2004. – 486-б.

² Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – 295-б.

турларида шакллантирувчи бир хил мезонларни кўриш мумкин. Бугунги кунда ёшларда диний бағрикенглик маданиятини шакллантириш устувор аҳамият касб этади. Кишилиқ ижтимоий-тарихий тараққиётдан бизга маълумки, ҳеч бир дин инсонларни ёмон йўлга бошламаган. Дин шу сабабли бу дунёнинг ўткинчи эканини, охиратни эслатиб турувчи, дунёда ҳар бир инсонни ҳушёр бўлишга, ҳалолу ҳаромни ажрата билишга, пок бўлишга, одамларни ўзидан яхши ном қолдиришга ундовчи муҳим омиллардан биридир. Ҳозирги кунда бағрикенглик масаласини кўриб чиқиш кўп томонлама маданиятлар концепцияси контекстида, шунингдек, бағрикенглик тамойиллари декларацияси қабул қилинган фарқлар аҳамиятини эълон қилиш билан боғлиқ. Ундаги талқинга кўра бағрикенглик дунёмизнинг бой маданиятлари, ўз-ўзини ифода этиш шакллари ва шахсиятни ҳурмат қилиш, қабул қилиш ва тўғри тушуниш тушунилади. Ушбу талқинда бағрикенглик мураккаб жамиятларнинг мавжудлиги ва етук шахснинг позициясининг шарти сифатида кўриб чиқилади, бу эса муросасизликка фаол қаршилиқ кўрсатишни англатади. Шу билан бирга, бағрикенгликни ахлоқий ва маданий қадрият сифатида талқин қилиш мумкин.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Глобаллашув шароитида ёшларда интолерантликка қарши курашиш масалалари**» деб номланган. Ушбу бобнинг «Жамиятда интолерантликнинг вужудга келиши ва унинг ижтимоий-ахлоқий оқибатлари» деб номланган биринчи параграфида глобаллашув дунёсида бағрикенглик муаммолари турли хилларга, яъни турмуш тарзи, урф-одати, дунёқараши, маданияти, сиёсий қарашлари, диний эътиқодларидаги кўпинча номутаносиб тафовутлар туфайли келиб чиқиши ва муаммолардан бири интолерантлик тенденцияларининг хусусиятлари ўрганилади.

“Бағрикенглик”ка қарама-қарши бўлган ҳаракат интолерантлик (“муросасизлик”) ҳисобланади. Интолерантлик, бу фақат бир кишининг ёки ҳар қандай ижтимоий гуруҳнинг, ҳамжамиятнинг фақат унинг (уларнинг) эътиқод тизими ҳақиқат эканига, фақат унинг эътиқодига асосланган эканлигига асосланадиган ёндашув бўлиб бағрикенглик маданиятининг зидидир. Интолерантлик ҳам ёшларда маълум таъсирлар натижасида шаклланади. Интолерантлик ҳаддан ташқари консерватив бўлиб, у ушбу жамиятда ўрнатилган одатий доирадан ташқарига чиқадиган барча нарсаларни бостиришга интилади. Диссертацияда интолерантлик намоён бўлишини тил орқали камситиш, остракизм (бойкот), стереотиплар ва нотўғри қарашлар, этноцентризм, ксенофобия, душманни қидириш (фольклор иблисни яратиш), қувғин қилиш, кўрқитиш, сургун, ирқчилик, қатағон, фашизм, геноцид, миллатчилик, тажовузкор миллатчилик, тоталитаризм, эксплуатация, сексизм¹ турлари орқали кўрсатиб беради. Интолерантликнинг пайдо бўлиши ва кескин фаоллашувининг асосий сабабларини кўрсатиб ўтган.

¹ Мацковский М. Толерантность как объект социологического исследования // Век толерантности. Научно-публицистический вестник. – М: 2002. № 3-4.

Мазкур бобнинг «Интолерантликнинг олдини олишда илм-фан, маърифат ва миллий қадриятлардан фойдаланиш зарурияти» деб номланган иккинчи параграфда авлоддан авлодга ўтиб, асрлар давомида эъзозланиб келинган тарихий, миллий-маънавий меросимиз, Марказий Осиё мутафаккирларининг маънавий-ахлоқий қарашлари минтақамиз тараққиётида муҳим аҳамият касб этиши, аждодларимиз томонидан асрлар мобайнида яратиб келинган улкан, бебаҳо маънавий меросни миллатлараро ва динлараро муроса, ҳамжихатлилик, бағрикенглик маданияти кўринишида тақдим этишни асослаб ўтган. Ижтимоий тараққиёт жараёнида миллий-маънавий меросимизни жамиятга жорий этиш қуйидаги долзарб масалалар ечими билан белгиланади: 1) давлат ва жамият глобаллашуви шароитида миллий-маънавий меросимиз асосида турли маданий анъаналарга эга ёшларни ўзаро яқинлашуви бир-бирига боғлиқ ҳолда икки муаммони ҳал этишни тақозо этади; 2) ижтимоий-тараққиёт жараёнида, миллий-маънавий меросимизни ёшлар онгига сингдириш асосида жамиятда ҳам янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни кечмоқда; 3) миллий-маънавий меросимиз асосида ёшларни ҳар томонлама етук шахс бўлиб етишиши учун шарт-шароит яратиш; 4) миллий-маънавий меросимиз асосида ёшларни, қиёфасининг шаклланиш жараёни шу меросимиз таъсири доирасидаги маънавий-ахлоқий онг, ахлоқий хатти-ҳаракат, ижтимоий фаолият, ижтимоий-сиёсий мулоқот ва ахлоқий муносабат ҳамда ўз-ўзини англаш билан амалга оширилади. Зеро, ватанимиз тараққиёти, келажаги, халқимиз ўз олдида қўйган улкан мақсадларга эришиш, аввало, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук ёшларга, уларнинг миллий-маънавий меросимиз аҳамиятига боғлиқдир.

Ҳадислардан маълумки, инсоннинг инсон олдидаги масъулияти ва ахлоқий тамойилларга амал қилиши “савоб” ва “гуноҳ” тушунчалари орқали бошқарилади. Ҳалоллик, илмли бўлиш, инсонпарварлик, хушхулқлик каби умуминсоний қадриятлар “савоб”нинг моҳиятини ташкил этади. Аксинча, ноахлоқий хусусиятлар “гуноҳ” сифатида қатъий ман этилади. Айниқса, кишилар онги ва қалбини эгаллаш учун курашларнинг турли кўринишлари авж олиб бораётган, “оммавий маданият” ва маънавий таҳдидлар кечаётган даврда ҳадислардан мафкуравий ва ахлоқий иммунитетни шакллантиришда таъсирчан тарбия воситаси сифатида кенг фойдаланишимиз мумкин. Ёшларда ижодий фикрлаш, янгиликка, билимга интилиш асосида янги бирор нарсани, техник воситани яратиш, такомиллаштириш кўникмасини шакллантириш ҳам ёшларда эстетик дунёқарашни шакллантириш жараёнига бевосита боғлиқдир.

Диссертациянинг «**Ўзбекистоннинг жадал ривожланиш шароитида ёшларда бағрикенглик маданиятини юксалтириш зарурияти**» деб номланган учинчи боби икки қисмдан иборат. «Ёшларда бағрикенглик дунёқарашини юксалтиришда давлат сиёсати» деб номланган биринчи параграфда бугунги кунда республикамызда ёшлар масалаларига давлат томонидан қаратилаётган эътиборнинг илмий ва амалий жиҳатлари кўриб чиқилган. Айниқса, беш ташаббус доирасида жойларда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти фалсафий тарзда ифодаланган. Ёшларнинг

толерант дунёқарашини шакллантириш масалаларига бағишланган долзарб мавзуларда ёшларнинг интеллектуал салоҳияти ва толерант дунёқарашини юксалтиришга, мафкуравий иммунитетини мутаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган мақолалар, ток-шоулар, ижтимоий роликлар, кўрсатувлар, публицистик чиқишлар ва эшиттиришлар ташкил қилиш мақсадга мувофиқ¹, деб ҳисоблаймиз. Бунда олимлар, зиёлилар, мутахассислар ҳамда ёшларнинг иштирок этиши ишлар самарадорлигини янада оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи мазмундорлиги ва аҳамияти, биз яшаётган мураккаб даврнинг энг долзарб мавзуларини қамраб олганлиги билан ажралиб туради. Жумладан, Президентимиз ўз нутқида, дунёда терроризм таҳдидлари, айниқса, сўнгги йилларда кучайиб бораётгани уларга қарши асосан, куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётгани, бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинаётганлигига эътибор қаратди. БМТнинг Олий минбаридан туриб бутун жаҳон жамоатчилигига ислом дининг асл инсонпарварлик моҳиятига эга эканлигини билдириб, бизнинг муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон мураса қила олмаймиз, деб ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этишини таъкидлади, юртбошимиз БМТ Бош Ассамблеясининг “маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш таклифи билан чиқди².

Ўзбекистон шароитида, яъни янги тараққиёт босқичидаги инновацион ривожланиш ва кадрлар тайёрлашнинг миллий тизими ўзаро алоқадорлигини фалсафий таҳлил қилиш асосида ва бўлажак мутахассисларда толерантлик маданиятини шакллантиришнинг узвий боғлиқлигини ҳисобга олиб қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: *биринчидан*, инновацион ривожланиш ва Кадрлар тайёрлашнинг миллий тизимининг ўзига хос хусусиятлари ва механизмларини такомиллаштиришда олий таълим тизими ролини тадқиқ қилишни кенгайтириш зарур. Жумладан, ушбу жараённинг муҳим бўлаги ҳисобланган хориж тажрибасини ўрганиш, етакчи университетлар билан тажриба алмашиш, шаклланган янги педагогик технологияларни ўрганиш амалиётини кенгайтириш мақсадга мувофиқ; *иккинчидан*, инновацион ривожланиш ва кадрлар тайёрлаш миллий тизимининг ёшлар маънавиятини, толерантлик хислатларини юксалтиришдаги жараёни уйғунлигининг ижтимоий – фалсафий жиҳатларини, унинг янги тараққиёт босқичида инсон омили билан боғлиқ жиҳатларини фанлараро тадқиқотлар нуқтаи назаридан

¹Ernazarov D. (2020). Толерантность. Центр научных публикаций в Узбекистане, 1(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/economics-innotech/article/view/189>

² Ш.Мирзиёев. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Ўзбекистон НМИУ, 2018. – 254-б.

